"ТАСДИҚЛАЙМАН"
НамДУ академик лицейи
Директор ____________ Д.Хакимов
«17» август 2022 йил

Наманган далат университети академик лицейидаги ўқувчилар ётоқхонасида яшаётган ўқувчиларни уч махал имтиёзли овқатлантириш хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш бўйича

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

## 1. Умумий маълумотлар

| | |
|---|---|
| 1.1. Буюртмачи | НамДУ академик лицей |
| Ташкилий-хуқуқий шакли | Бюджет ташкилоти |
| Манзил: | Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Наманган шахри Бобуршох кучаси 162а-уй |
| Директор: | Д.Р.Хакимов |

1.2. НамДУ академик лицейининг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекта аниқланади.

1.3 Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун академик лицей ётоқхонасида яшаётган ўртача сони 350 нафар ўқувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш учун бюджетдан ташкари (ота-оналар бадали) маблағлари хисобидан, 2022 йил сенятбр, октябр, ноябр ва декабр ойлари учун 357 000 000 (уч юз эллик етти миллион) сўмни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами бажарилган хизматлар учун қўшимча қиймат солиғи билан 357 000 000 (уч юз эллик етти миллион) сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4 Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

## 2 Танлов максади.

2.1. Академик лицей ётоқхонасида яшаётган ўртача сони 350 нафар ўқувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш ижрочи-тадбиркорлик субъекта саралаш буйича

## 3 Танлов иштирокчилари.

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. 4.4- бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

## 4 Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат руйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши Наманган вилоятида жойлашган буюртмачининг тегишли объектларида ишлаш иш ташкил қилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 иил

26сентябрдаги ПҚ-3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хамда Молия вазирлигининг 2018 иил 27 февралдаги 3-2018 ва 33-сон карори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3 Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов хужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги хужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома нусхаси;

- Ташкилотнинг бош ошпаз ва барча ходимлари тиббий кўрикдан ўз муддатларида ўтганлиги тўғрисида тиббий давтарчаси ёки гувохномалари нусхаси

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкродлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги холларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки бевосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига хал қилиниши учун таъсир ўтказувчи харакатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга

## 5 Бошқа шартлар.

5.3 Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича низомда белгиланган кун ва саналарда хисоб-варақ фактура тақдим этиб бориши лозим.

5.4 Буюртмачи томонидан тўловлар, хисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 1 ой давомида амалга оширилади.

5.3 Имтиёзли овқатлантириш бўйича таомномалар (меню) Бюртмачи маъмурияти томонидан тасдиқланади.

*Илова*

**Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат**

| Хизмат тури | Хизмат сони |
|---|---|
| Наманган давлат университети академик лицейи ётокхонасида ёшаётган ўкувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантиришни бажарувчи корхонани саралаш бўйича ойнинг ўртача иш кунлари 3/1 кисмини бюджетдан ташкари (ота-оналар бадали) маблағлари хисобидан хисоб китоб килинади | Буюртмага асосан |